ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ҚУРБАНОВ ДАНИЯР РОЗУМБОЕВИЧ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИШ УСЛУБИЯТИ ВА УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

УДК:336.22(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясиавтореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Қурбанов Данияр Розумбоевич
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмини такомиллаштириш..... 3

Курбанов Данияр Розумбоевич
Совершенствование методологии налогообложения и механизма взимания налога за пользование водными ресурсами …..... 25

Қурбанов Данияр Розумбоевич
Improvement of the methodology of taxation and the mechanism of levying taxes for the use of water resources..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйҳати
Список опубликованных работ
List of published works …….... 49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ҚУРБАНОВ ДАНИЯР РОЗУМБОЕВИЧ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИШ УСЛУБИЯТИ ВА УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B.2017.2.PhD/Iqt.80 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Маликов Тохир Сатторович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Олимжонов Одил Олимович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Тошматов Шухрат Амонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___»_____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси,16-уй.Тел.: 0(371) 237-54-01.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» ноябр куни тарқатилди.
(2017 йил «___» ноноябрдаги ___- рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда сув тақчиллиги дунёдаги энг ўткир глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Сув истеъмолининг жадал равишда ўсиб бориши, уни етарли даражада ва сифатли қондириш имкониятларининг чеклангани сувдан самарали фойдаланиш масаласининг аҳамиятини ошириб, кўплаб мамлакатларда ушбу муаммони ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сув хўжалиги инфратузилмасини молиялаштириш бўйича Бутунжаҳон кенгашининг маълумотларига кўра, Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида аҳолини сув билан таъминлашни молиялаштириш учун йилига ўрта ҳисобда 17,0 млрд. АҚШ долл., сув ташлаш ва оқова сувларни тозалаш учун 32,0 млрд. АҚШ долл. ҳажмида маблағ талаб этилади[1]. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур муаммони ҳал этишнинг муҳим йўлларидан бири – солиқ механизми ва дастаклари орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ҳисобланади.

Жаҳонда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиққа оид механизмларини такомиллаштириш борасида солиқ механизмининг таъсирчанлигини кучайтириш, сув рентаси ва солиқ тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш, солиқ ва қатъий тўловларнинг сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш жараёнларига таъсирини кучайтириш каби йўналишдаги илмий муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу мазкур диссертацион тадқиқот мавзусининг долзарблигини ҳам белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан: сув ресурслари бошқаруви тузилмаси такомиллаштирилди; сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини тартибга солувчи қонунчилик асослари ишлаб чиқилди; сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи Марказий диспетчерлик хизмати, Сув хўжалиги бош бошқармаси, вилоятлараро каналлар тизими бошқармаси ташкил этилди; сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида шартномавий муносабат механизмлари жорий қилинди; Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш бўйича махсус жамғарма ташкил қилинди ва бошқ. Шу билан бирга, ҳозирда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқ механизми орқали рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом

[1] Финансирование сектора водоснабжения и канализации в странах Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии. Протокол конференции министров финансов/экономики, водного хозяйства и окружающей среды стран ВЕКЦА и их партнеров. 17-18 ноября 2005 г., Ереван, Армения. Организация Экономического Сотрудничества и Развития (ОЭСР). rights@oecd.org

эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш»[2] муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги 837-XII-сон «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси «2017 йил 13 июлдаги ЎРҚ-436-сон Қонуни таҳрири», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Ayres E., Brown L., Helmer R., Liebscher H. L., O'Neil W., Moore C., Joeres E., Rodda G., Г.А.Агасандян, И.Буздалов, Э.В.Гирусова, Е.Г.Григорьев, В.И.Данилов-Данильян, Ф.И.Ерешко, П.Лаукс, В.Г.Пряжинская, И.Л.Хранович, Д.С.Чакликова ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаларида акс этган.

Ўзбекистон шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг баъзи масалалари Р.А.Абдуллахонов, В.А.Духовный, С.Д.Жалолов, Ф.К.Каюмов, В.Ч.Ким, М.М.Маткаримов, О.О.Олимжонов, У.Р.Сангирова, Ў.П.Умурзоқов, П.З.Ходжалепесов, Қ.А.Чориев, А.С.Чертовицкий, З.Ш.Шохўжаева, Б.У.Ҳасанов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Улар ўз тадқиқотларида сув хўжалиги мажмуаси, сувни тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларининг самарадорлиги ва уни бошқариш, сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратган.

А.А.Абдуғаниев, И.Л.Абдураҳимов, А.С.Султонов, З.Я.Худойберганов, У.Х.Нигмаджонов, Х.Т.Тошматов, Ў.П.Умурзоқов, С.А.Қўчқорова ва бошқаларнинг илмий изланишлари Ўзбекистон сув хўжалиги иқтисодиёти масалаларига қаратилган.

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг молиявий механизми элементлари (солиқлар, тўловлар, ажратмалар, йиғимлар ва бошқ.)нинг самарадорликка таъсири О.Қ.Абдураҳмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев,

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони. – www.lex.uz

А.С.Жўраев, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яҳъёев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Н.Р.Қўзиева ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Аммо ҳозирга қадар мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиқ механизми комплекс тарзда ўрганилмаган. Бу масаланинг айрим жиҳатлари Ғ.А.Сафаровнинг диссертацион тадқиқотида кўриб чиқилган, холос. Шунингдек, Р.А.Абдуллахонов, Ш.Д.Исраилов, М.М.Маткаримов, М.М.Машарипова, У.Р.Сангирова, З.Х.Ташматов, Б.У.Хасанов, П.З.Ходжалепесов, З.С.Шохўжаевалар ҳам бу йўналишда тадқиқотлар олиб борган. Аммо ушбу илмий ишларда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиқ механизми масаласи эътибордан четда қолган. Бу ҳолат мазкур диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштиришга доир илмий-услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида сувнинг стратегик омили эканлигини ҳисобга олиб, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини солиқ механизми ёрдамида оширишнинг иқтисодий мазмунини очиб бериш;

мамлакатимиздаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш амалиётини илғор хорижий тажрибалар билан мувофиқлаштириш мақсадида сув ресурсларини бошқаришнинг амалдаги тизими ва унда солиқ механизмнинг ўрнини тадқиқ этиш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш бўйича қатъий тўловларнинг мавжуд ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишда амалдаги солиқ механизмини таҳлил қилиш ва унинг таъсирчанлигини кучайтиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиқ механизми таркибидаги асосий элементларни ўзаро мувофиқлаштириш ва

уйғунлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирларни илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланаётган субъектларнинг фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини солиқ дастаклари таъсирида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, синтез, рейтинг баҳолаш, шунингдек, иқтисодий усуллар – статистика, математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг амалдаги ставкалари даражасини мақбуллаштириш ҳамда мазкур солиқни тўловчи субъектлар доирасини аниқлаштириш орқали унинг бюджет даромадларини шакллантириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолият натижаларига таъсирчанлиги кучайтирилган;

сувдан саноат ишлаб чиқариши мақсадида фойдаланувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилган;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўналишлари белгиланган ва илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш жараёнларидаги иқтисодий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизми тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сувдан самарали фойдаланишнинг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг роли асосланган;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг амалдаги механизми таҳлили асосида унинг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ундан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани

ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиқ механизмига оид назарий-методологик ва услубий аппаратни такомиллаштириш, улардан махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий хужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга каратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли қарорининг 14-иловаси билан 2015 йил 1 январдан алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 19 октябрдаги 16/1-23251-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Давлат бюджетига алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлардан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 2015 йилда 11,4 млрд.сўм ва 2016 йилда 11,1 млрд.сўм миқдорида солиқ ҳисобланган ва ундирилган;

алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 2, 2016-03-сон қўшма қарорига асосан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 24 февралда 2765-сон билан рўйхатга олинган). Мазкур таклиф асосида «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 8 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сув ресурсларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланганлик учун олинадиган солиқни қўллашнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган 1-бобида ҳозирги шароитда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги очиб берилган, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тутган ўрни ҳамда уни ҳисоблашнинг жаҳон тажрибаси тизимли таҳлил қилинган.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни илмий тадқиқ этиш мазкур жараённинг аҳамияти ва объектив зарурлигини тизимли равишда кўриб чиқишни тақозо этади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мазмуни а) энг юқори натижа (наф, фойда) келтириш; б) энг кам сарф-харажат тақозо этиш; б) фойдаланиш мақсади, воситалари ва усулларининг тежамкорлик тамойилига мувофиқлиги каби йўналишларни қамраб олади. Булар мазкур илмий-тадқиқотни амалга ошириш нуқтаи-назаридан принципиал аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ уни сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг объектив зарурлиги ва аҳамиятини очиб беришда етарли деб бўлмайди. Шунга кўра, сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг объектив зарурлиги ҳамда мазкур заруриятнинг тобора кучайиб бораётганини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали асослаш мумкин (1-жадвал).

Айнан қишлоқ хўжалиги бугунги кунда чучук сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланиб, унинг ҳиссасига жами жаҳондаги сув истеъмолининг 70% тўғри келади. Бу бутун жаҳондаги саноат тармоқлари истеъмол қилаётган сув ҳажмидан 7 марта кўпдир[3].

Тадқиқот давомида ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси учун сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ва объектив зарурлигини белгилаб берувчи: сув ресурслари манбаларининг минтақамиз мамлакатлари ўртасида нотекис тақсимланиши ва бошқа мамлакатлар сув ресурсларига боғлиқлик даражасининг юқорилиги, республикамиз қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларда суғорма деҳқончиликда фойдаланиладиган

[3] Манба:www.datasets.wri.org/dataset?q=Water

1-жадвал

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун сув ресурслари истеъмолининг ўсиб бориши[4]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1900	1950	2000	2010	2016
Суғориладиган ер майдонлари, млн. га	47,3	101,0	264,0	288,0	299,5
Қишлоқ хўжалиги ерлари майдонига нисбатан %да	3,5	7,5	19,7	27,5	28,6
1 кишига тўғри келувчи суғориладиган майдон, $м^2$	296,0	397,0	427,0	405,0	390,0
Жаҳон қишлоқ хўжалигида сув истеъмоли, $км^3$	513	1080	2605	2817	3017

сув ресурсларига эҳтиёжнинг сезиларли даражада ўсиб бориши; ички сув захираларининг мавжуд эҳтиёжларни қондира олиш даражасининг пасайиб бораётгани; ҳосил этилаётган ва истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажми ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги; мамлакатимиздаги жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни янада кучайтириши; саноат ишлаб чиқариши миқёсларини жадал суръатларда ўсишининг сув ресурслари истеъмоли ҳажмини аҳамиятли равишда ошишига олиб келаётгани; минтақадаги баъзи бир объектив ва субъектив сабаблар таъсирида сув ресурслари тақчиллигининг янада кучайиши эҳтимоли каби жиҳатлар тизимли таҳлил қилинди.

Сув ресурсларининг танқислигини Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан кўпроқ сезиб турувчи Ўзбекистон учун бу ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун, энг аввало, ҳозирда ва яқин келажакда Ўзбекистонда сув ресурсларини баҳолашнинг асосий мезонлари белгилаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи уларни истеъмолчига етказиб берганлик учун тўлов ҳақининг миқдорини тўғри белгилашни тақозо этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда мазкур хизматларнинг қиймати ўз таркибига ер солиғини олиб, сув ресурслари компанияларининг харажатларига боғлиқ бўлмаса, бошқа мамлакатларда эса фақат сув ресурсларини етказиб берувчи компанияларнинг эксплуатацион харажатларидан иборат бўлади. Учинчи бир мамлакатларда эса, бу қиймат эксплуатацион харажатлардан ташқари сув ресурслари инфратузилмасига сарфланган ва келгуси даврда сарфланиши кўзда тутилган капитал қуйилмаларнинг қийматини ҳам ўз ичига олади. Умуман олганда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида сув ресурсларидан фойдаланиш пулли шаклда амалга оширилиб, бу борадаги айрим рақамларни қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда сув ресурслари учун тўлов ҳақини ундириш методларини, шартли равишда,

[4] Муаллиф томонидан тузилган. Манба: www.datasets.wri.org/dataset?q=Water



1-расм. Ўзбекистонда сув ресурсларини баҳолашнинг асосий мезонлари[5].

қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин: а) сув ресурсларининг тарифини суғориладиган ер майдонининг ҳажмига боғлиқ равишда аниқлаш (Хитой, Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Перу, Филиппин, Зимбабве ва бошқ.); б) сув ресурслари учун тўлов ҳақини истеъмол қилинган сув ресурслари ҳажми асосида ундириш (Иордания, Австралия); в) сув ресурслари учун тўлов ҳақини юқоридаги икки усулнинг комбинациясидан фойдаланган ҳолда ундириш (Мексика, Ҳиндистон, Англия, Франция, АҚШ, Исроил ва бошқ.); г) сув ресурслари учун ҳақни меҳнат билан тўлаш орқали ундириш (Вьетнам ва бошқ.).

Диссертациянинг «**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ҳамда ундиришнинг амалдаги механизми ва ривожланиш тенденциялари таҳлили**» деб номланган 2-бобида Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳуқуқий-институционал асослари ривожланиш тенденциялари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизми таҳлили, мазкур солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш жараёнлари тадқиқ этилган.

[5]Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

2-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатларида сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш[6]

Мамлакат	Қуйи бўғинни бошқариш	Қуйи бўғинни бошқариш чегараси	Эксплуатация ва техник хизматлар бўйича ўртача баҳо	Тўлов принциплари
Канада	Маҳаллий бошқарув (ФУ)	100 дан 3000 га гача	80-106 га/долл.	Ер майдони ҳажми (гектар)дан келиб чиққан ҳолда
Италия	Фермер жамоалари, «Консорции ди бонифика» кооператив уюшмалари	500 дан 400000 га гача	20-50 минг лира/га, 170-400 лира / м ^{3}	Икки ставкали (ер майдони ҳажми (гектар) ва истеъмол қилинган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда)
Индонезия	СФУлар	30000 дан 45000 га гача	30-130 долл./га	Ер майдони ҳажми (гектар)дан келиб чиққан ҳолда
Испания	СФУлар	200 дан 6000 га гача	80-150 песет/ м ^{3}	Истеъмол қилинган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда
Марокаш	СФУлар	30 дан 500 га гача		Ер майдони ҳажми (гектар)дан келиб чиққан ҳолда
Миср	«Маска» сув уюшмаси	20 дан 150 га гача	25 Миср фунти/га.	Ер майдони ҳажми (гектар)дан келиб чиққан ҳолда
Тайвань	Ирригация уюшмалари, фермерлар кооператив ташкилотлари	50000дан 80000 га гача	25-105 долл./га	Икки ставкали (ер майдони ҳажми (гектар) ва истеъмол қилинган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда)
Нигерия	Фермерлар бирлашмаси – сувдан фойдаланувчилар кооперативи	10 дан 2000 га гача	100-170долл./га	
Туркия	Сувлама бирлиги	1500 дан 35000 га гача	40-180 долл./га 3-20 долл / м ^{3}	Экин турига қараб (гектар)дан келиб чиққан ҳолда
Ҳиндистон	Фермерлар бирлашмаси, СФУ	20 дан 60 га гача	116-170 рупий /га	Ер майдони ҳажми (гектар)дан келиб чиққан ҳолда жарималар қўллаш билан

[6]Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, унинг ставкаси белгилаб беради. Ушбу солиқнинг ставкаси даражасига, асосан, сув ресурслари манбаларининг ер усти ёки ер остидалиги ҳамда ушбу солиқни тўловчиларнинг тоифалари ўз таъсирини кўрсатади. Мазкур солиқ ставкалари уни тўловчиларнинг тоифаларига қараб табақаланган тарзда белгиланади (3-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига нисбатан белгиланган ставкалар ҳар йили муттасил равишда турли суръатда, шунингдек, сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларига нисбатан ўрнатилган ставкаларнинг энг юқори ва энг паст даражаларининг ўзаро нисбати ўзгариб бормоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзларни шартли равишда қуйидаги йирик икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилиш борасида берилган солиқ имтиёзлари; б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтириш борасида берилган солиқ имтиёзлари. Шу ўринда, фикримизча, 1-гуруҳнинг 1-2-бандларида ифодаланган имтиёзларнинг айнан шу шаклда берилиши сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг олдига қўйилган вазифаларнинг ижобий ҳал этилишига ўзининг самарали таъсирини тўлиқ кўрсата олмайди. Бизнингча, сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳар бир босқичида иштирок этувчилар ундан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишда масъулдирлар ва бу нарса ушбу солиқ бўйича имтиёз бериш ёки бермаслик масаласи ҳал қилинаётган пайтда ҳисобга олинмоғи лозим.

Бизнингча, 2-гуруҳга кирувчи имтиёзларнинг бозор иқтисодиёти талаблари ва принципларига ҳамма вақт ҳам тўлиқ мос келмаслигини, жумладан, уларнинг барчаси сув ресурсларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадларига тўлиқ хизмат қилмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Шунинг учун ҳам имтиёзларнинг бу гуруҳи қайта кўриб чиқилиши ва уларнинг амал қилиш доираси анча қисқартирилиши мақсадга мувофиқ (4-жадвал).

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида бу йўналишда инфляция суръатларининг нисбатан юқорилиги шароитида амалдаги муддатларнинг амал қилиши доимо ҳам бюджет манфаатларига мос келавермаслиги, белгиланган муддатда бир марта салмоқ-ли суммани тўлаш, айрим ҳолларда, солиқ тўловчиларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда бир ойлик муддат ичида, ҳеч бўлмаганда, декадалик тўловларни, ҳар чораклик муддатда – ойлик тўловларни ва ҳар йиллик муддатлар доирасида эса чораклик тўловларни амалга оширишни жорий этиш тавсия этилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни баҳолашда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: а) мазкур солиқ умумдавлат солиғи бўлганлиги учун унинг Республика давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ролини аниқлаш билан

3-жадвал

Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари[7]

Солиқ тўловчилар	Йиллар ва 1 метр куб учун ставка (сўмда)																							
	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил	
	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун	Ер усти манбалари учун	Ер ости манбалари учун
Иқтисодиёт барча тармоқлари корхоналари	9,6	12,3	14,4	18,45	17,3	22,0	21,6	27,5	24,8	31,6	29,8	37,9	35,8	45,5	43	54,6	51,6	65,5	61,9	78,6	71,2	90,4	85,4	108,5
Электростанциялар	2,75	4,09	4,13	6,14	5,0	7,4	6,3	9,3	7,2	10,7	8,6	12,8	10,3	15,4	12,4	18,5	14,9	22,2	17,9	26,6	20,6	30,6	24,7	36,7
Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	5,27	6,83	7,91	10,25	9,5	12,3	11,9	15,4	13,7	17,7	16,4	21,2	19,7	25,4	23,6	30,5	28,3	36,6	34,0	43,9	39,1	50,9	46,9	60,6
Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар	0,47	0,59	0,71	0,89	0,85	1,05	1,1	1,3	1,3	1,5	1,6	1,8	1,9	2,2	2,3	2,6	2,8	3,1	61,9	78,6	71,2	90,4	85,4	108,5
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар*																								
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришга ишлатилган сув ҳажмидан																			10000	10000	11500	11500	13800	13800
бошқа мақсадлар учун																			61,9	78,6	71,2	90,4	85,4	108,5

*мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тартибидан (умумбелгиланган ёки соддалаштирилган солиқ солиш тартиби) қатъий назар тўлайдилар.

[7]Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 декабрдаги ПҚ-244-сонли, 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1027-сонли, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли, 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли, 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли, 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли, 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли ва 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорлари маълумотларига мувофиқ тайёрланган.

4-жадвал

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқбўйича имтиёзлар*[8]

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилиш борасида берилган солиқ имтиёзлари	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базани камайтириш борасида берилган солиқ имтиёзлари
2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар; 3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари 4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.	1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига (савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно); ***2) дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;*** 3) атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида чиқариб олинадиган ер ости сувлари ҳажмига (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно); 4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно); 5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига; 6) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

*Изоҳ: қисқартирилиши тавсия этилаётган бандлар қуюқ ҳарфлар билан курсивда ёзилган.

бир қаторда, ҳар йили давлат бюджети параметрларини қабул қилиш жараёнида унинг маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдирилаётгани сабабли маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ролига ҳам баҳо бериш; б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисобланган солиқ суммаси билан унинг ҳақиқатда бюджетга келиб тушган суммаси ҳамма вақт ҳам бир-бирига тўғри келавермаслиги; в) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича боқимандалар ҳисобга олиниши ва ҳ.к.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолият натижаларига таъсирини бир неча солиқ тўловчилар мисолидаги таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди: а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларининг натижаларига таъсири сезиларли эмас; б) бу солиқнинг ундирилиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига кескин салбий таъсир кўрсатаётганлиги сезилмайди; в) унинг хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсири, таҳлил қилинган йиллар давомида, уни тавсифловчи барча кўрсаткичлар бўйича, пасайиб бориш тенденциясига эга; г) бундай тенденциянинг юқори суръатларда давом этаётганлиги, айниқса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ асосий фаолиятнинг ва умумхўжалик фаолиятнинг фойдасидаги салмоғига нисбатан

[8] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 261-моддаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

хосдир; д) юқоридаги бандлар билан тавсифланувчи амалдаги ҳақиқий вазият сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш, уни ҳисоблаш, бюджетга ундириш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш масалаларида талайгина муаммоларнинг мавжудлигидан дарак беради ва бу жараёнларни такомиллаштиришнинг зарурлигини кун тартибига қўяди.

Диссертациянинг «**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштиришнинг йўналишлари ва истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсирчанлигини кучайтириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар доирасини, солиқ солинадиган базани аниқлашнинг илмий жиҳатларига эътибор қаратилди. Айниқса, сув ресурсларидан лимитдан ортиқча фойдаланилганда уни солиққа тортиш масаласига алоҳида тўхталиниб, бундай ҳолда унинг лимитдан ортиқча қисмига нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкаси юқорироқ тарзда ўрнатилиши лозимлиги таъкидланди. Худди шундай ёндошувнинг сув истеъмоли технологик ва санитария меъёрлари, экинлар ва дов-дарахтларни суғориш меъёрларидан ошган ҳолатларда муаллиф томонидан таклиф этилаётган такомиллашган механизмнинг қўлланиши мазкур солиқнинг таъсирчанлик даражасини кучайтиришга хизмат қилади (6-расм).

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзларнинг сув ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланган субъект бу солиқни тўловчи ҳисобланмасдан, балки тегишли ишнинг итеъмолчиси бўлган юридик шахс солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланувчи ҳолат сув ресурсларидан самарали фойдаланишга мойилликни сусайтиради. Ҳолбуки, ҳақиқий бозор муносабатлари шароитида ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи барча иштирокчилар учун бир хил манфаатдорликни таъминлаши лозим. Шу боисдан ушбу масалага сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда тегишли ишнинг бажарилишига масъул бўлган ҳар иккала томон ҳам бу солиқни тўловчи сифатида майдонга чиқмоғи лозим.

